

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.27.06.2017. Fi1.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСТАМОВА ШОҲИДА МАХСУДОВНА**

**БАДИИЙ АСАРДА ТУШНИНГ ПОЭТИК-КОМПОЗИЦИОН  
ВАЗИФАЛАРИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2017**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Истамова Шоҳида Махсудовна**

Бадиий асарда тушнинг поэтик-композицион вазифалари..... 3

**Истамова Шоҳида Махсудовна**

Поэтико-композиционные функции сна в художественном  
произведении ..... 21

**Istamova Shohida Makhsudovna**

Poetic and compositional functions of a dream in literary work ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.27.06.2017. Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСТАМОВА ШОҲИДА МАХСУДОВНА**

**БАДИИЙ АСАРДА ТУШНИНГ ПОЭТИК-КОМПОЗИЦИОН ВАЗИФАЛАРИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2017**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.2.PhD/Fil 20 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ўраева Дармон Саидахмедовна**  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:** **Ҳасанов Шавкат Аҳадович**  
филология фанлари доктори

**Имомова Гулчехра Мухаммадиевна**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи илмий муассаса:** **Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети бош бино, 1-қават, анжуманлар зали (105-хона)

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**М.Қ. Мухиддинов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.

**Ж.Д. Элтазаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

**Ж. Ҳамроев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида шеърӣ, насрий ҳамда драматик асарларда туш мотивини бадиий мақсадга боғлаган ҳолда қўллаш, туш деталдан қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини очиб бериш, сюжет воқеаларини ўзаро боғлаган ҳолда шаклан ва мазмунан яхлит бир бадиий шаклни яратиш масалалари бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, тушнинг бадиий талқини орқали муаллиф – қаҳрамон – китобхон алоқасини мустаҳкамлаш, унинг бадиий-эстетик вазифаларини, ифода воситаси ва усули бўлиб келишини илмий асослаш миллий адабиётшунослик фанининг устувор вазифаларидан биридир. Тушнинг бадиий асар композициясидаги ўрни ҳамда бадиий талқини хусусидаги илмий-назарий ёндашувлар адабиётда тушдан фойдаланиш анъанасининг шаклланиш омиллари, поэтик имкониятлари, тадрижий такомилли, тушнинг асар структурасидаги ўрни ва эстетик вазифалари, психоанализ воситаси бўлиб келиши, тушга ишонч билан боғлиқ эътиқодий қарашларнинг асарлардаги бадиий талқини, ҳаётӣ ва рамзий, ноэстетик ва эстетик моҳияти каби масалаларни ўрганишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Мустақиллик йилларида ўзбек фольклори ва ёзма адабиётидаги туш сюжетларини тадқиқ этишда маълум муваффақиятларга эришилди, халқимизнинг тарихий ўтмиши, бой дунёқараш, миллий руҳияти, оғзаки ва ёзма адабиёт анъаналари билан боғлиқ бўлган туш мотивлари жиддий илмий таҳлил қилинди. Бу борадаги илмий изланишларни давом эттириш ҳамда тушнинг бадиий асардаги поэтик-композицион вазифаларини атрофлича тадқиқ этиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “ижтимоий соҳани, жумладан, адабиёт ва санъат соҳаларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги” таъкидланган.<sup>1</sup> Бинобарин, тушнинг бадиий асар таркибида руҳий таҳлилни таъминловчи услубий восита, композицион бадиий деталь, эпизодик тасвир, ҳаёт ҳақиқатини рамзий акс эттириш усули, тугун ёхуд сюжет чизиқларининг бошланиш ёки тугаш нуқтаси, воқеалар ривожини таъминловчи, асар воқеаларини уюштирувчи ва яхлитлаштирувчи, уларни мантиқан боғловчи ифода шакли сифатида асослаш ва унинг моҳиятини очиб бериш алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, миллий оғзаки ва ёзма адабиёт анъаналаридаги туш мотивлари асосида фольклор ва ёзма адабиёт муносабатини атрофлича илмий тадқиқ этиш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ПҚ-451-сон Қарори, 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” // Халқ сўзи, 2017, 8 февраль.

ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4797-сон Фармони, 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги ПҚ-1271 Фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Шарқда қадимдан туш таъбирномаларини яратишга қизиқиш катта бўлган. Бу қизиқиш кейинчалик тушлар бўйича дунё халқлари рухшунослик илмида, шунингдек, фольклоршуносликда бир қатор салмоқли тадқиқотлар яратилишига замин ҳозирлаган.<sup>2</sup> Шундан келиб чиқиб, инглиз олими Ж.Фрезер ҳам таъбир йўйиш Марказий Осиёдан Ғарбга ўтганлигини таъкидлайди.<sup>3</sup> Ўзбек фольклоршунослигида тушлар талқини борасида Ж.Эшонқуловнинг “Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини” ҳақида яратган докторлик тадқиқоти алоҳида аҳамиятга эга.<sup>4</sup> Унда тадқиқотчи туш ва туш таъбирларининг ўрганилиш тарихи, туш мотивларидан эртак ва дostonлар сюжетида, кўшиқларда, топишмоқларда фойдаланишнинг ўзига хос томонлари, тушнинг фольклор асарларидаги семантик талқини, рамзий маъно-мазмуни, бадий-эстетик вазифалари, маросимлар билан муносабати хусусида қимматли фикр-мулоҳазаларни илгари сурган.<sup>5</sup> Туш мотивлари соҳасида Н.Раҳмонов, С.Ҳайдаров, С.Эркинов, С.Ҳасанов, Ҳ.Қудратуллаев, Б.Тўхлиев, С.Жалилов, Б.Муртазоев, Ҳ.Сафарова, М.Нарзикулова ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари илмий қиммати билан ажралиб туради.

Н.Шодиев туш мукамал образ яратишда қаҳрамоннинг ички кечинмаларини, психик ҳаётини чуқур очиб берувчи психологик таҳлил воситаси эканлигини таъкидлаб ўтган.<sup>6</sup> Шунингдек, Ҳ.Умуров ўзбек романларида руҳий таҳлил муаммосига бағишланган докторлик,

<sup>2</sup> Зигмунд Ф. Сон и сновидения. – Москва: Олимп, 1997, -Б.78-102; Юнг К.Г. Аналитическая психология. – Москва: Мартис, 1995; Фромм Э. Душа человека. – Москва: Республика, 1992, - Б.96-124.

<sup>3</sup> Фрезер Д.Д. Фольклор ветхом завете. – Москва: Политиздат, 1985, -Б.56-69.

<sup>4</sup> Эшонқулов Ж.С. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини: Филол. фан. доктори.. дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 47 б.

<sup>5</sup> Эшонқул Ж. Туш ва унинг ўрганилиши.// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2001. – №2. – Б.54-60; шу муаллиф: Ўзбек эртакларида туш мотиви. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. – №4. – Б.6-13; ўша муаллиф: Тушнинг семантик талқини.// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2005. – №4. – Б.32-40; Туш ва кўшиқ. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. – №4. – Б.23-30;

<sup>6</sup> Шодиев Н. А.Қаҳорнинг психологик таҳлил маҳорати: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1973. – Б.139-140.

А.Холмуродов “Одил Ёқубов романларида психологизм”, П.Кенжаева “Ҳозирги ўзбек ҳикояларида қаҳрамон руҳиятини тасвирлаш тамойиллари” масаласига бағишланган номзодлик тадқиқотларида туш психологизмнинг бадиий яшаш шакли сифатида қаҳрамонлар руҳиятини рамзий тадқиқ қилишда алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлайдилар.<sup>7</sup>

Кўринадики, ўзбек адабиётшунослигида туш мотивининг бадиий асарларда қўлланилиши, ўзига хос поэтик талқин қилиниш қонуниятлари, эстетик-композицион вазифалари, ижодкор маҳоратини намоён этишдаги аҳамияти, асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини, тасвирланаётган воқеалар моҳиятини очиб беришдаги роли, муайян бадиий шакл типи ва услубий восита сифатидаги характери ҳалигача яхлит ҳолда монографик тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университети филология факультети ўзбек адабиёти кафедраси илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда Ф-1-06 «Истиклол даври ўзбек адабиётида Ғарбу Шарқ адабий анъаналари синтези» (2012-2016) мавзуидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек адабиётида тушнинг бадиий талқинини ўрганиш асосида унинг композицион ҳамда услубий вазифаларини, поэтик санъат сифатидаги моҳиятини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

тушга ишонч-эътиқоднинг фольклор, мумтоз ва замонавий асарларда ўзига хос бадиий талқин қилинишига асос яратган ижтимоий-психологик омилларни қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш;

тушнинг поэтик-композицион восита сифатида шеърӣ, насрий ва драматик асар структурасидаги ўрни ва эстетик вазифаларини ёритиб бериш;

тушнинг бадиий асар қаҳрамонлари руҳий ҳолатини, тасвирланаётган воқеалар моҳиятини очиб беришдаги психоаналитик ролини аниқлаш;

тушдан фойдаланишда ижодкор маҳоратини белгилаш йўлларини кўрсатиб бериш;

бадиий асардаги тушларнинг хусусияти ва рамзлаштирилишига кўра таснифини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Бадиий асарда тушнинг ўрни, поэтик хусусиятлари, эстетик, композицион ва услубий вазифаларини ўрганиш учун бевосита туш мотиви мавжуд бўлган асарлар танланди. Чунончи, ишни ёзишда ўзбек адабиётининг кўзга кўринган намояндаларидан Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов ва Тоҳир Малик асарлари асосий манба сифатида танланган бўлса-да, тушнинг насрий, лирик ва драматик асарлардаги ўзига хос талқинини қиёслаш ҳамда тушдан бадиий восита сифатида фойдаланиш

---

<sup>7</sup> Умуров Х.И. Проблема психологизма и узбекский роман: дисс.на соиск.учен.степ.д-ра филол. наук. – Ташкент, 1983. – С.363; яна шу муаллиф: Ўзбек романчилигида бадиий психологизм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – Б.22-40; ўша муаллиф: Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. – Тошкент: Фан, 1983. – 148 б.; Холмуродов А. Одил Ёқубов романларида психологизм: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1991. – 153 б.

тажрибасининг тадрижини ўрганиш учун фольклор намуналарига, Абулқосим Фирдавсий, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Носириддин Рабғузий, Ҳайдар Хоразмий, Алишер Навоий, Бобур, Фурқат, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Неъмат Аминов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Хуршид Даврон, Аҳмад Аъзам, Улуғбек Ҳамдам, Илҳом Зойир каби мумтоз ва замонавий ижодкорларнинг бадиий асарларига ҳам мурожаат қилинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни 20-аср ўзбек адабиётининг лирик, эпик ва драматик асарларида келтирилган туш мотивлари ва уларнинг ижодкорлар томонидан талқин этилиши ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, контекстуал, структурал, психоаналитик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бадиий асарда қўлланилган туш мотивининг ўзига хос адабий-бадиий, эстетик, услубий, поэтик-композицион вазифалари ҳамда хусусиятлари очиб берилган;

тушнинг қолиплаш санъати, ҳаёт ҳақиқатини рамзий акс эттириш усули, киритма воқеа, бадиий деталь, эпизодик тасвир, руҳий таҳлил воситаси, сюжетнинг ўзак мотиви бўлиб келиши асосланган;

асарда тушдан фойдаланишнинг анъанавийлиги ёки ўзига хослигини аниқлашнинг адабий-бадиий йўл-йўриқлари ишлаб чиқилган, туш мотивининг қаҳрамон психологик портретини яратишдаги ўрни ёритиб берилган;

ўзбек ижодкорларининг туш компоненти билан асар сюжети, бадиий мақсади, конфликт, воқеалар ривож, моҳияти ва ечимини ёритишдаги маҳорати очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** сифатида ўзбек адабиётида туш ходисаси тасвири ва талқинидан фойдаланиш борасида эришилган бадиий-эстетик тажрибалар тадрижи, тушнинг поэтик-композицион вазифалари, бунда ёзма адабиёт ва фольклор муносабати ҳақидаги илмий-назарий тасаввурлар бойитилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг тарихий, типологик қиёслаш, контекстуал, структурал, психоаналитик таҳлил каби усуллар билан асослангани, ўзбек ижодкорларининг бадиий асарларида туш мотивидан фойдаланиш маҳорати, бу эстетик тажрибанинг ўзбек адабиёти бадиий тақомилидаги ўрни ва ролини илмий ўрганишда туш таъбирномаларига, зарур илмий-тарихий манбаларга таянилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган хулосалар ўзбек адабиётшунослигида туш мотивини янгича илмий-назарий қарашлар асосида талқин қилишга ёрдам беради, жаҳон ва туркий халқлар адабиётида туш деталидан фойдаланиш анъанасини қиёсий ўрганишга назарий ва амалий ҳисса қўшади. Шунингдек, ижодкорларнинг тушдан фойдаланиш маҳорати



тўғрисидаги қарашлар асосида манбашунослик, этнология, психология фанларининг ривожига ҳам туртки беради;

ўтмиш ва замонавий ижодкорлар асарларидаги туш мотивларининг бадиий-эстетик ва композицион вазифаларини қиёсан ўрганиш асосида бадиий тафаккур тадрижи қонуниятларини янги талқин қилишда назарий аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг **амалий аҳамияти** ижодкорларнинг туш ходисасидан бадиий фойдаланиш маҳорати ҳақидаги маълумотлар адабиётшунослик фанларидан тайёрланадиган дарслик ва қўлланмалар, ўзбек адабиётшунослиги энциклопедиясини тузишга хизмат қилади;

тадқиқот мавзуси юзасидан эълон қилинган мақола ва тезислардан олий ўқув юрларида адабиётшунослик бўйича маърузалар ўқишда, махсус курс ва семинарлар ўтишда; коллеж ва умумтаълим мактабларида ўрганиладиган бадиий асарларни чуқурроқ таҳлил этишга ўргатишда; дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг янги авлодини яратишда; оммавий ахборот воситаларида китобхонликни тарғиб ва ташвиқ қилишда кенг фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек ижодкорларининг бадиий асарларида туш мотивидан фойдаланиш маҳорати, бу эстетик тажрибанинг ўзбек адабиёти бадиий такомилидаги ўрни ва ролини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбек шоир ва ёзувчиларининг тушдан фойдаланиш маҳорати ва тушнинг бадиий талқини ҳақидаги илмий хулосалардан Ф-1-06 “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида мазкур тадқиқот натижаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 9 октябрдаги ФТА-0211/828 -сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ўзбек адабиётида туш ходисаси тасвири ва талқинидан фойдаланиш борасида эришилган бадиий-эстетик тажрибалардан фойдаланиш ҳамда унинг бадиий адабиёт тарғиботидаги аҳамиятини англаш ва баҳолаш имконини берган.

Халқимиз орасида тушга алоқадор эътиқодий қарашлар ва ишончлар тизимининг шаклланганлиги, уларнинг миллий қадриятларимиз тизимидан муносиб ўрин эгаллагани ҳамда бадиий асарда руҳий таҳлилнинг ўзига хос поэтик воситаси сифатида қўлланиши хусусидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Маънавият ва маърифат” телеканалининг “Дунё адабиёти” рукнидаги кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Маънавият ва маърифат” телеканалининг 2017 йил, 3 ноябрдаги 01-15/798-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши телекўрсатувларнинг халқчиллиги ва қизиқарлилигини оширган, адабий-бадиий мавзулардаги теледастурлар сифатини оширишга ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, 4 та республика илмий-амалий конференциясида, 2 та халқаро конференцияда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, улардан 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 141 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатиб ўтилган.

Ишнинг **“Туш – бадиий восита сифатида”** деб номланган биринчи боби икки фаслдан иборат бўлиб, илк фасли “Тушнинг асар структурасидаги ўрни ва эстетик вазифалари” деб сарлавҳаланган. Бу фаслда туш ҳаётий, ноэстетик ҳодиса бўлса-да, адабиётда ундан кўпинча эстетик ҳодиса сифатида фойдаланилишининг кузатилиши ҳақида фикр юритилган. Тушнинг бадиий асар сюжети бошланишида тугунни, ўртасида воқеалар ривожини, охирида ечимни ҳосил қилиши, баъзан сарлавҳага кўтарилиши, поэтик ифода усули, ўхшатиш ва қиёслаш воситаси бўлиб келиши, психологизмни чуқур лиризм орқали ифодалашга ёрдам бериши, воқеалар ривожиди драматизмни чуқурлаштириши, асар композицион қурилишини шакллантиришга хизмат кўрсатиши, насрий, лирик ва драматик асарларда ўзига хос талқинда учраши, ўзига хос ифода қолипига эгаллиги асосланган.

Бадиий асардаги туш кўринишларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, асосий воқеа-саргузашт билан боғланмаган, бош ғояни очишга йўналтирилмаган бирорта туш эпизоди бўлмайди. Ҳатто аксарият тушлар ё сюжетнинг бош тугунини, ё ёндош воқеалар тугунини ҳосил қилиши билан асар сюжетида муҳим роль ўйнайди. Бу типдаги туш кўринишларини асар таркибидан олиб ташлашнинг сира иложи йўқ.

Баъзи асарлар бир ёки бир неча кишининг бутун ҳаётини қамраб олади. Қамров кўламининг шу қадар кенглиги боис ҳар бир ҳикоя бўлгудек бир неча воқеалар асар сюжетида ўрин олади. Ҳар бир воқеанинг эса асарнинг умумсюжетида ташқари ўз бошланиш нуқтаси, ривожини ва ечими мавжуд бўлади. Асарларда учрайдиган туш эпизодлари кўп ҳолларда ана шундай ёндош сюжет чизиқларининг бошланиш нуқтаси бўлиб хизмат қилади. Айтайлик, асар қаҳрамони бир туш кўради, шу туш сабаб бўлиб унинг янги саргузаштлари бошланиб кетади.

Бадий асарда тушнинг композицион вазифаси бир неча кўринишда намоён бўлади, улардан бири тушнинг тугун вазифасидир. Айрим асарларда асосий воқеа бевосита туш кўриш эпизодидан бошланади. Худди шундай ҳолни ёзувчи Тоҳир Маликнинг “Иблис девори” қиссасида кўриш мумкин. Асарнинг муқаддима қисмида бош қаҳрамон Иброҳимнинг туши берилган бўлиб, у тугун вазифасида кузатилади. Қаҳрамоннинг тушида тун, қабристон намоён бўлади, қабрда азоб тортаётган ота-онасининг товушлари эшитилади. Шу тушнинг таъбири бора-бора асарда кўрина бошлайди.

Туш эпизодлари аксарият ҳолларда асарларнинг ўртасида ёки сюжет аввали ва ривожда келиши кузатилади. Жумладан, “Икки эшик ораси” романининг “Янги раис” қисми бошланишида асарнинг бош қаҳрамонларидан бири Робиянинг куйидаги туши келтирилган: “Дадамни яна туш кўрдим. Вокзалмиши-ей, бозорми-ей. (Ушбу тушдаги мазкур таъкид тушларда вокелик ўрни баъзан аниқ кўринса, баъзан ноаниқ бўлишини билдиради). Хуллас, одам кўп эмиш. Дадам узокда, оломон орасида туриб, нукул кўли билан “бери кел” деб имлармиш (Туш қаҳрамонини ноаниқ жойда, нотаниш одамлар орасида кўриш кўпгина тушларга хосдир). Оппок кўйлак кийиб, бўйинбоғ тақиб олганмиш. (Марҳумларни, асосан, оқ кийимда кўриш тушларга хос анъанавий ҳолатдир). Олдига борай десам, оёғим қимирламасмиш. (Бу таъкид кўпинча қаҳрамоннинг тушда ноқулай вазиятга тушиб қолишини – овоз чиқмаслиги, оёқ-кўли қимирламаслигини билдиради). Йўлимни ранги заҳил, қулоғининг орқасида сўғали бор одам тўсиб турганмиш. Негадир улар учта бўлиб қолибди. Ҳаммаси бир-бирига ўхшармиш. Дадамни оломон ичида йўқотиб кўйибман. (Ўлган одамларни йўқотиб кўйиш марҳумлар билан боғлиқ тушларга хосдир). Нафасим қайтиб, нукул қичқирармишман: “Дада! Дадажон!” Ўзимнинг товушимдан ўзим уйғониб кетдим. (Ҳаётда туш таъсирида чўчиб уйғониш ҳолати кўп учрайди. Ушбу мотив бевосита шу ҳолат билан боғлиқдир). Уй ичи ғира-шира қоронғи, ёнимда Кимсан акам ўтирарди. (Бунда туш кўрилган вақтга ишора ҳам бор).

– Нима қилди, Робия? – деди дўриллаб. – Сув ичасанми? (Туш кўриб кўрқиб турганга сув ичкизатилар). Тушим ҳамон кўз олдимдан кетмасди, дадамни йўқотиб кўйганим алам қиларди. ... Анчагача хомуш ўтирдим. (Қаҳрамоннинг руҳий ҳолати ҳаётда тушдан таъсирланиш ҳолатини билдириб турибди).

Маълумки, романда Робиянинг отаси, зиёли ва маърифатпарвар инсон чақув туфайли қатағон қилиниб, қамалади. Шу билан ёшгина Робия отасидан бевақт ажралиб, меҳрибон ва фидойи инсонлар Дума билан Қора амма қарамоғида қолиб кетади. Робия отасини соғиниб, кутиб яшар экан, уни тез-тез тушида кўради. Лекин ҳар сафар у отасини тушида йўқотиб кўйиб, излаб юради. Бу туш мотиви асарда баён қилинаётган олдинги воқеликларни кейинги воқеликлар билан боғлаш учун хизмат қилган. Сюжет охирида келадиган тушлар эса кўпинча ечим вазифасини бажариб келиши кузатилади.

Туш сўзи сарлавҳага кўтарилганда туш мотиви композицияни шакллантирувчи асосий восита, таянч мотив бўлиб келиб, асардаги барча воқеаларни ўз атрофига бирлаштиради ва бош ғояни очишга хизмат қилади.

Жаҳон адабиётида номи туш билан боғлиқ асарлар кўп. Бу жиҳатдан В.Шекспирнинг “Ёз кечасидаги туш”, Дидронинг “д. Аламбернинг туши”, Ф.М.Достоевскийнинг “Тоғанинг тушлари”, С.Есениннинг “Тушимда қора йўллар” каби асарлари алоҳида эътиборни тортса, ўзбек адабиётида М.Шайхзоданинг “Нурмат отанинг туши” достони, Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” романи, Хайридин Султоновнинг “Бобурнинг тушлари” қиссаси, Аҳмад Аъзамнинг “Рўё ёхуд Гулистонга сафар” романи, Нодира Афоқованинг “Фитратнинг тушлари” достони айнан шу томонлама фикримиз далили бўла олади. Бу асарларда туш етакчи ўрин тутган ва асарнинг мантикий йўналишини белгилаб берган.

Ў.Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” романи А.Навоий номидаги Давлат мукофотига номзод қилиб кўрсатилиши муносабати билан ёзувчи Саид Аҳмад “Кўрқинчли тушлар” сарлавҳали тақризини эълон қилар экан, асарнинг номи ундаги воқеалар мазмунига жуда мос тушганлигини алоҳида қайд этади.<sup>8</sup> Дарҳақиқат, асарда афғон урушига кетиб, юртини соғинган аскар йигитнинг нуқул ўлимни туш кўриши етакчи мотив сифатида қолган воқеаларни ўз атрофига бирлаштириб туради. Унда ўтган асрнинг 37 ва 50-йилларидаги қатағон, афғон уруши, “Ўзбеклар иши” фожиалари, бош қаҳрамон Рустамнинг бир умр меҳнатдан боши чиқмай, фирқа топшириқларини сўзсиз бажариб келган раҳбар отасининг “қўшиб ёзувчи” сифатида қамалиб, бадном бўлиб кетиши; отасини бу тухматдан қутқаришга ҳамда севгилисини бахтли қилишга ожиз йигитнинг ўз жонига қасд қилиши воқеалари орқали Шўро даврида ўтган етмиш йиллик ҳаётимизнинг кўрқинчли туш каби эканлиги жуда таъсирчан ёритиб берилган. Шунинг учун Улуғбек Ҳамдам бу реалистик романдаги бир қатор персонажлар қисматида абсурд муаммоси қўйилганлигини таъкидлайди.<sup>9</sup>

Воқеликни туш сифатида баён этиш жуда кам асарларда учрайди. Бу жиҳатдан турк адиби Азиз Несиннинг “Даҳшат”, ўзбек адиби Абдурауф Фитратнинг “Қиёмат” ҳикоялари эътиборни тартади. Айниқса, Фитратнинг “Қиёмат” ҳикоясида Данте Алигъерининг “Илоҳий комедия”сидаги каби воқеалар туш, руҳнинг ўзга оламга сафари сифатида баён қилинган.

Туш мотивининг етакчи вазифаси, асосан, асар композициясининг сюжет қисмларини ўзаро боғлаб келишида кузатилади. Бунда ижодкорлар ё бир тушдан, ё бир неча тушдан фойдаланишлари мумкин. Шундай асарлар борки, уларнинг сюжетида ўндан ортиқ туш мотиви учрайди. Масалан, Ў.Ҳошимовнинг биргина “Икки эшик ораси” романида 17 та, Улуғбек Ҳамдамнинг “Сабо ва Самандар” романида эса 20 та туш мотиви борлиги аниқланди.

Бадиий асарда келтирилган тушларнинг ҳажми ҳам ҳар хилдир. Уларнинг баъзилари сюжетли бўлиб, бундай тушларни ҳатто ҳикоя ичида келтирилган ҳикоя деб қараш мумкин. Ёзма адабиётда туш иштирок этган лирик, лиро-эпик, насрий ва драматик асарлар жуда кўп. Тушдан бадиий

<sup>8</sup> Саид Аҳмад. Кўрқинчли тушлар. // Халқ сўзи, 1996, 25 сентябрь, 4-саҳифа.

<sup>9</sup> Улуғбек Ҳамдам. Янгиланиш эҳтиёжи. Илмий-адабий нашр. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.130.

ижоднинг ҳар бир турида ўзига хос вазифа ва кўринишда фойдаланилгани кузатилади. Жумладан, насрий асарларда туш кўпроқ поэтик тугун ва поэтик ечим вазифасида иштирок этиб, асарнинг бадиий-эстетик қимматини оширишда муҳим аҳамият касб қилса, шеърый асарларда воқеабандликни яратишда хизмат қилади. Драматик асарларда кўпинча қаҳрамон кўрган тушини суҳбатдошига етказиб, шу тушнинг таъбири хусусида фикр юритилади. Туш таъбири эса, албатта, асар ечимига туртки беради.

Фантастик асарларда келтирилган туш мотивларида кўпинча фантастик образнинг иштирок этиши муҳим белги сифатида алоҳида кўзга ташланади. Масалан, ёзувчи Тоҳир Маликнинг “Даврон” қиссаси бош қаҳрамони тушида ўзга сайёраликни кўради.<sup>10</sup>

Тушларнинг анъанавий композицион-услубий қолипига кўра, уларда воқелик баёни кўпинча “эмиш” тўлиқсиз ҳикоя феъли орқали ифода этилади. Шунингдек, туш мотиви ифодаланган бадиий матнларнинг поэтик синтаксиси ҳам ўзига хослиги кузатилади. Туш ҳодисаси замон тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Туш – ўхшатиш ва қиёслаш воситаси сифатида ҳам қўлланади.

Биринчи бобнинг “Туш – психоанализ воситаси” деб номланган иккинчи фаслида бадиий асарда туш мотивидан фойдаланиб, асар қаҳрамонларининг руҳиятини очиб бериш, уларнинг аҳволини, кайфиятини, ички кечинмаларини, дунёқарашини тасвирлаш ёзувчиларнинг бадиий ижоддаги маҳорат қирраларидан бири, руҳий таҳлил қилишнинг энг қулай воситаси эканлиги ёритилган. Бунда Одил Ёқубовнинг “Оқ қушлар, оппоқ қушлар” романидаги Ойсулов билан Шоввознинг, “Улуғбек хазинаси” романида шоҳ Улуғбек ва падаркуш шаҳзода Абдулатифнинг туши кенг таҳлилга тортилган.

Қолаверса, кейинги йилларда ўзбек насри инсон туйғуларини лирик кечинмалар асосида ифодалашга берилиб кетмоқда. Бунда қаҳрамонларнинг кечинмаларини, руҳий ҳолатини очиб беришда тушнинг имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Айниқса, қаҳрамонларнинг ишқий саргузаштларини, безовталигини, қалб қийноқларини ифодаловчи парчаларда бу ҳолат кўзга кўпроқ ташланади. Бунда ўқувчи туш мотиви орқали қаҳрамон ҳолатини, кайфиятини, кечинмаларининг қандай ҳолатда юзага келганлигини, унинг ҳис-кечинмаларига туртки бўлган воқелик фрагментларини ҳис қила олади. Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романида келтирилган Заҳронинг туши<sup>11</sup> бу жиҳатдан алоҳида эътиборни тортади.

Кўпинча туш тасвирини келтиришдан олдин асар қаҳрамонининг руҳий ҳолати чизиб берилади. Бунда, кўпинча, унинг ўта чарчаганлиги, кўзи ўз-ўзидан юмилиб бораётганлиги таъкидланади. Негаки, ўта қаттиқ чарчаган, жуда толиққан ёки бирор-бир руҳий зўриқишга учраган кишигина безовта бўлиб ухлайди. Мана шу безовталик натижасида у ҳар хил алағда тушлар

<sup>10</sup> Малик Тоҳир. Даврон / Танланган асарлар: Биринчи жилд. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б.143.

<sup>11</sup> Ҳамдам У. Мувозанат. Роман. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б.90.

кўради. Бунга Илҳом Зойирнинг “Ажал пирамидаси” романидаги Рухшонанинг тушини мисол келтириш мумкин.

Ёзувчи Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” қиссасида инсон баъзан ҳушидан кетиб, кома ҳолатига тушиб қолганда кўрадиган туши Элчин ҳолати мисолида берилган.

Тушнинг кайфиятга таъсир кўрсатиши маълум. Шунини инобатга олиб, айрим адиблар ўз асарларида тушнинг қаҳрамон кайфиятига таъсирини тасвирлайдилар. Бадий асарларда туш кўрувчининг исми очиқ айтилади, унинг ёши, феъл-атвори, тушни кўрган вазияти ва ҳолати, вақти аниқ келтирилади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бадий ижодда тушдан фойдаланишнинг анъанавийлиги ва тадрижий тақомили”** деб номланган бўлиб, унинг “Туш билан боғлиқ эътиқодий қарашларнинг ёзма адабиётдаги поэтик талқини” сарлавҳали биринчи фаслида тушга ишончнинг манбалари ва уларнинг ёзма асарлардаги поэтик талқини ёритилган. Бунда кўрилган тушни ҳар қандай жойда, ҳар қандай кишига айтишнинг тақиқланиши, чунки туш биринчи бор қандай таъбирланса, шундай воқе бўлишига ишонилиши, тушнинг табу ҳодисаси билан боғлиқлиги, эътиқодларга кўра тушни иложи борича илмли, донишманд, қалби пок, беғараз, кўпни кўрган ва билган тажрибали кишига ёки муаббир (таъбирчи)га айтиш кераклиги, шунинг учун халқ мақолларида “Тушингни ҳазилкашга айтма” дея огоҳлантирилиши, осмонга учиб ёки сувда сузиш каби ҳолатлар билан боғлиқ тушларни айтмай, сир сақлашнинг талаб қилиниши, акс ҳолда фаришталар туш эгасидан ранжиши, туш кўрувчи таъбирчига ўз тушини бузмасдан, имкон қадар батафсил айтиши муҳимлиги, тушни тўқиб айтиш ёмон ирим қилиниши, хавотирли тушни сувга айтиб, садақа бериш лозимлиги, тушга, унинг таъбирига оид фикрлар “Қуръони Карим”нинг Юсуф сурасидаги оятларда алоҳида баён этилгани, тушнинг содир бўлиши ҳақида Имом Ғаззолий фикрлари,<sup>12</sup> шом пайтида ухланса, ёмон туш кўриш мумкинлиги, ҳафта кунлари ва фаслларда кўрилган тушларнинг ўзига хос бўлиши, айниқса, жумада ҳамда субҳ чоғида кўрилган тушга одамларнинг ихлос қилиши, тушни таъбирлашда туш кўрувчининг мучалига ва жинсига ҳам эътибор берилиши, бу жиҳатдан эркакларнинг туши ўнг, аёлларнинг туши чап келади деб қараш ҳолатларининг бадий талқинлари мисоллар асосида кўрсатиб берилган.

Бобнинг “Оғзаки, мумтоз ва замонавий асарларда туш мотивидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган иккинчи фаслида дастлаб фольклор асарларида, ундан сўнг мумтоз адабиётда, кейинчалик замонавий адабиётда қўлланиб келинаётган туш ҳодисаси эстетик моҳиятга эга бадий санъатлардан бири сифатида алоҳида эътиборни тортиши, шу жиҳатдан бадий адабиётда тушдан поэтик восита сифатида фойдаланиш тажрибаси муайян тадрижий босқични кечиргани таъкидланган. Фольклордаги ва ёзма асарлардаги тушлар талқинининг ўзаро фарқли

---

<sup>12</sup> Имом Ғаззолий. Дақойиқ ул ахбор. // Ёшлик. –Тошкент, 1996, №1. – Б.52.

белгилари мисоллар билан далиллаб кўрсатилган. Масалан, фольклор асарларида қаҳрамонлардан бир нечаси бирданига битта тушни кўриши мумкин. Айтايлик, “Алпомиш” достонида Алпомиш, Қоражон, Барчин бир хил туш кўради. Ёки фольклорда ҳайвон туши ҳам берилаверади. Масалан, “Сусамбил” эртагида ҳўкизнинг туши берилган. Маълумки, бу каби тушлар ёзма адабиётда берилмайди.

Туш таъбирномаларининг дастлабки намуналари, туш билан боғлиқ эътиқодий қарашларнинг таъбирномалар яратилишига асос бўлгани, тушдан бадиий асарлар сюжетида ҳаёт ҳақиқатини ифодалашда фойдаланиш тажрибасининг шаклланиш тарихи, атоқли мумтоз адиблар ўз асарларида тушлардан унумли фойдаланиб келишгани ва бу жараён муайян поэтик тадрижий тараққиётга эришгани, шунингдек, ўз туши билан машҳур бўлган айрим адабий қаҳрамонлар ва ижодкорлар ҳақида фикр юритилган. Бунинг учун ишда “Ирқ битиги” таъбирномаси, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида зоҳид Ўзғурмишнинг, Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида Юсуфнинг, Ҳайдар Хоразмийнинг “Гул ва Наврўз” достонида Наврўзнинг, Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” дostonлари қаҳрамонларининг ҳамда ижодкорлардан Алишер Навоий, Бобур, Фурқат, Аҳмад Донишларнинг тушлари таҳлилга тортилган. Мумтоз адабиётда яратилган мемуар ва хотиранома асарларда муаллифнинг тўқима эмас, реал, яъни чиндан кўрган тушлари берилиши асосланган.

Абдулла Қодирий бошқалардан фарқли ўлароқ, биринчи бўлиб янги жанр – романда анъанавий туш мотивидан фойдаланди. Ёзувчи Отабек тақдиридаги фожа аслида жамиятдаги инсон эрки муаммоси билан боғлиқлигини очиб бериш учун тушни поэтик восита сифатида танлай олди.

О.Ёқубов, П.Қодиров, Мирмуҳсин, Ў.Умарбеков, Н.Аминов, Ў.Ҳошимов, Тоҳир Малик, Муҳаммад Али, Эркин Аъзам, Аҳмад Аъзам, Назар Эшонқул, Улуғбек Ҳамдам, Илҳом Зойир ва бошқа замонавий адиблар асарларида тушнинг кўпроқ руҳий таҳлил вазифаси кузатилади.

Ўзбек фольклори, мумтоз ва замонавий адабиётда тушнинг муҳим ўрни бор. Тушлар ва уларнинг таъбирлари фольклорда ҳам, ёзма адабиётда ҳам жуда қадим даврлардан буён қўлланиб келаётган бадиий ҳодисалардан бири бўлиб, унинг қўлланиши ўзига хос анъанавийлик касб этган ва муайян поэтик санъат даражасига кўтарилган. Халқ оғзаки ижоди таъсирида ёзма адабиётга ўтган туш ифода воситаси фольклордагидан фарқли ўлароқ, ёзма адабиёт қонуниятларига мувофиқ индивидуал ижодкорнинг бадиий маҳорати, ҳиссий кечинмалари, қарашлари, ижодий тўқимаси асосида қўлланила бошланди. Фольклордаги туш тасвирларида халқ қарашлари, эътиқодий тушунчалари муҳим ўрин тутди. Фольклор ва ёзма асарларда туш мотивидан фойдаланишда ўзига хос фарқлик ва ўхшашликлар мавжудлиги англашилади. Кўпгина ижодкорлар ўз асарларида туш мотиви воситасида халқ ва мамлакат тақдири билан боғлиқ муаммоларни очиб беришда фойдаланишган. Ўз ахлоқий ва ижтимоий қарашларини ифодалашда туш мотивини восита қилишган. Мумтоз адабиёт намуналарида тушлар кўпинча диний қарашлар ва тушунчалар билан боғлаб талқин қилиниши кузатилади.

Уларда кўпинча илоҳий тушлар ёритилади. Илоҳий тушларда эса воқелик ғайриоддий, сирли тусда талқин топади.

Диссертациянинг **“Тушдан фойдаланишда ижодкор маҳорати”** деб номланган учинчи боби икки фаслдан иборат. Унинг “Бадиий асарда тушларнинг сифатланиши” деб номланган биринчи фаслида тушнинг халқ орасида раҳмоний ёки илоҳий, шайтоний, башоратомуз, кароматли, нурли, хайрли, рангли, ғалати, ажаб, алоқ-чалок, даҳшатли, ваҳимали, яхши, ёмон, бемаъни тарзида ҳар хил сифатларда номланиши ва бу номларнинг бадиий асарда ҳам қўлланиши мисоллар асосида кўрсатиб берилган. Тушларга нисбатан қўлланадиган бу хил сифатлашлар бадиий асарда келтирилган туш мотивини олдиндан характерлаб кўрсатиш учун ишлатилиши кузатилади. Айтайлик, башоратли, хосиятли, нурли тушлар асар қаҳрамонининг бахтли ва омадли келажагини билдиришга хизмат қилса, “хосиятсиз туш” деб баҳоланган тушлар эса асар қаҳрамонининг руҳий тушкун кайфиятини, қалтис вазият ёки мушкул аҳволга тушиб қолишини, омади келмаслигини тасвирлашга ёрдам беради. “Ғалати туш”ларда кўпинча кутилмаган, тасодифий воқеа-ҳодисалар юз бериши тасвирланади. Алоқ-чалок ва бемаъни тушларда воқеалар аралаш-қуралаш, номаълум, мантиқсиз шаклда ифода топиши билан ажралиб туради.

Бадиий асарда туш мазмунининг қай даражада ёритилганига кўра тафсилотли ва тафсилотсиз тушларга бўлинади. Асарларда бу ҳар икки тур тушлар ҳам кўплаб учрайди. Тафсилотсиз тушлар, одатда, бир-икки гапдангина иборат бўлиши кузатилади. Бу тахлит тушлар, одатда, умумий мазмунга эга бўлади, яъни қаҳрамоннинг кўрган туши батафсил, икир-чикиригача тавсифлаб-тасвирлаб ўтирилмайди-да, унинг асар сюжети, қаҳрамон ҳаёти учун муҳим бўлган жиҳатигина тилга олинади, холос.

Тафсилотли тушлар асар сюжетида бирмунча каттароқ ўрин эгаллайди. Чунки бу типдаги тушлар батафсил, икир-чикиригача муфассал баён қилинади. Асар учун унинг мазмуни эмас, балки ҳар бир детали муҳим эканлиги учун ҳам ана шундай кенг тасвирда берилади. Бунга Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” қиссаси учинчи китоби 11-фаслида келтирилган бош қаҳрамон Асадбекнинг тушини мисол келтириш мумкин. Чунки бу туш асарда 3-4 саҳифани ташкил этган. Биз ўз фикримизни далиллаш мақсадида уни тўлиғича ишда келтиришни лозим топдик.

